




**БУХОРО ВИЛОЯТИ
НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТИ
«ИНТИЛИШ» АХБОРОТ
ТАЪЛИМ МАРКАЗИ**

**БАҲОУДДИН НАҚШБАНД
ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ
МАРКАЗИ
БАҲОУДДИН НАҚШБАНД
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**



**“ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА ШУКР ТУШУНЧАСИ
ВА УНИНГ ЖАМИЯТНИ
БАРҚАРОРЛАШУВИДАГИ ЎРНИ”
*мавзусида республика илмий-амалий конференцияси
материаллари***

ТЎПЛАМИ

Бухоро-2026

УДК: 829.429.10

КБК: 84(5)-48

М: 28

**“ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА ШУКР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ
ЖАМИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШУВИДАГИ ЎРНИ”** мавзусида рес-
публика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами/
«КИТОБ НАШР» нашриёти 2026 328-б

Нашр учун масъуллар:

Зумрад Кенджаева

- ННТ “Интилиш” Республика Ахборот таълим Маркази
Бухоро вилоят филиали Раҳбари

Азизхўжа Иноятов

– Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази дирек-
тори, Исломунослик фанлари бўйичафалсафа
доктори (PhD), доцент

Фармон Аминов

– Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази
раиси, тарих фанлари номзоди

Такризчи:

Гулчеҳра Наврўзова

– БухДТУ профессори, фалсафа
фанлари доктори

Масъул муҳаррир:

©Мухаммаджон Атоев

– Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот
маркази бўлим бошлиғи

Мақолалардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва имло жиҳатларига
муаллифлар масъулдирлар

**“Тасаввуф таълимотида шукр тушунчаси ва унинг жамиятни
барқарорлашувидаги ўрни”** мавзусида Республика илмий-амалий
конференцияси

ISBN: 978-9910-8557-6-4

©Мухаммаджон Атоев 2026-й

©КИТОБ НАШР 2026-й

атрофидаги зиёратчилар кўлаמידан ҳам билса бўлади.

**БАҒРИКЕНГЛИК ФАЗИЛАТИНИНГ ТИНЧЛИКНИ
ТАМИНЛАШДАГИ ЎРНИ
РОЛЬ ДОБРОДЕТЕЛИ ТОЛЕРАНТНОСТИ В ОБЕС-
ПЕЧЕНИИ МИРА
THE ROLE OF THE VIRTUE OF TOLERANCE IN EN-
SURING PEACE**

Умматалиев Сохибжон Хикматали ўғли,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси
“Исломшунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ИСЕССО” кафедраси катта ўқитувчиси,
тарих фанлари бўйича PhD
тел: 97 4455562

Аннотатсия

Ушбу мақолада Исломда диний бағрикенглик тушунчаси ва унинг замонавий жамият учун аҳамияти ўрганилади. Ўзбекистонда турли дин вакилларининг бирга яшаши борасида тарихий намуналари, шунингдек, Қуръони Карим ва Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларидан иқтибослар келтирилган бўлиб, бошқа дин вакиллари учун бағрикенгликнинг муҳимлигини таъкидлайди. Виждон эркинлиги ва динлараро уйғунликни таъминлайдиган Ўзбекистоннинг

қонунчилик базасига алоҳида эътибор қаратилган. Ижтимоий барқарорлик, миллий бирлик ва тинчликни мустаҳкамлашда бағрикенгликнинг роли таъкидланган.

Калит сўзлар:

Ислом, бағрикенглик, диний эркинлик, Ўзбекистон, Қуръон, ҳадис, динлараро тинчлик, иймон, қонунчилик, ахлоқ

Аннотация

В данной статье рассматривается концепция религиозной толерантности в исламе и её значение для современного общества. Приводятся исторические примеры религиозного миротворчества на территории Узбекистана, а также цитаты из Священного Корана и хадисов Пророка Мухаммада (с.а.в.), подчёркивающие важность терпимости к представителям других религий. Особое внимание уделено законодательной базе Узбекистана, обеспечивающей свободу совести и межконфессиональное согласие.

Подчёркивается роль толерантности в укреплении общественной стабильности, национального единства и мира.

Ключевые слова: ислам, толерантность, религиозная свобода, Узбекистан, Корán, хадис, межконфессиональный мир, вера, законодательство, нравственность

English (Инглиз тилида): Annotation

This article explores the concept of religious tolerance in Islam and its importance in today's society. It highlights historical examples of interfaith harmony in Uzbekistan and includes references from the Holy Qur'an and Hadiths of Prophet Muhammad (peace be upon him) that emphasize the need for kindness and fairness toward followers of other religions. The paper also discusses the legal framework of Uzbekistan, which guarantees freedom of belief and promotes interfaith cooperation. It underscores the significance of tolerance in fostering social stability, national unity, and peace.

Keywords:

Islam, tolerance, religious freedom, Uzbekistan, Qur'an, Hadith, interfaith harmony, belief, legislation, morality

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон ҳудуди қадимдан диний бағрикенглик борасида дунёга намуна бўлиб келган. Шунингдек, юртимиздан етишиб чиққан. Бурҳониддин Марғилоний, Абу Лайс Самарқандий, Алоуддин Косоний каби уламолар томонидан таълиф этилган асарларда ўзга дин вакилларига нисбатан бағрикенг бўлиш масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Мусулмоннинг ҳаёти фаровон бўлиши учун нафақат ўзи балки ён атрофидаги ёру дўстлари ҳам мустаҳкам имонли ва юксак илм эгаси, бағрикенг бўлиши лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 га яқин миллат вакиллари ва турли динларга эътиқод қилувчи халқлар бўлиб, тинч-омон, аҳил-иноқ яшаб келмоқдалар. Ана шу эзгулик ва тинчлик-осойишталик омили бўлган диний бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш ва риво-

жлантиришга диёримизда алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳақиқатан ҳам, юртимизда хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир заминда, бир ватанда, буюк ғоя ва соф ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашлиги – диний бағрикенгликни ёрқин намунасидир. Исломда бағрикенглик масаласи ўзининг илк давридаёқ намоён бўлди. Жаҳон динларининг ичида фақат Исломда эътиқод эркинлиги очиқ-ойдин эълон қилинган. Қуръони каримнинг Бақара сурасидаги “Динга мажбур қилиш йўқ” [1:30] жумласи билан бошланувчи оят бунга далил қилади.

Дарҳақиқат, Конституциямизда ҳам бирон фуқарони бирон динга мажбурлаб киритиш тақиқланган, ҳар бир инсон ҳақ-ҳуқуқи ва эркинлиги кафолатлангани хусусида шундай дейилган: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди». Ди-

ний бағрикенглик тамойили Конституциямизнинг барча моддаларида ўз аксини топган десак хато бўлмайди. Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқ ва бурчлари қонунимиз доирасида аниқланиб, белгилаб қўйилган. Диний бағрикенглик турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшабини англатади. Ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини эътироф этмоғи лозим. Бағрикенглик билан ўзгаларнинг узрини қабул қилиш, оғирликни ўзига олиб, бошқаларга енгиллик бахш этиш муқаддас динимизнинг таълимотларидан биридир.

Диний бағрикенглик ҳақида 2025 йил 25 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳам алоҳида таъкидланган. Хусусан, мазкур қонуннинг 3 моддаси 2 бандида “Диний эътиқодлар ва диний

бағрикенглик, динларнинг асл инсонпарварлик моҳияти жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларидан бири бўлиб, Ўзбекистон халқини бирлаштириш ва жипслаштиришга хизмат қилувчи, оилаларда ўзаро ҳурмат-иззат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамловчи асрий қадриятлар манбаидир»[2], деб қайд этилган.

Ислом дини вужудга келган илк даврданок собиқ динларга ҳеч қандай тазйиқ ўтказмади, турфа мазҳаб ва мафкураларга қарши таассуб этмади. Албатта, бу динимизнинг бағрикенглигидан далолат қилади. Буларнинг замирида эса барча миллату элатлар тинчлиги ва осудалиги ётади.

Ислом динида бошқа дин вакиллариغا яхшилик ва адолат қилишдан қайтарилмаганлиги «Мумтаҳана» сурасининг 8-оятда ўз аксини топган. Бу ҳақида мазкур оятда «Динларингиз борасида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас...»[1:388], дейилади.

Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) бу борада Ислом умматигагина эмас, бутун инсониятга ҳақиқий ибрат-намуна эдилар. У киши қасос ва ўч олиш имконияти бўлатуриб ўзига зулм ва ёвузликлар кўрсатганларни кечира олган. Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларидан бирида ғайридин бўлган қўшнига ҳам инсонийлик юзасидан яхши ва чиройли муомалада бўлишга буюрилган. “Ким аҳли зиммага бирор заҳмат етказса, қиёмат куни Мени ўзининг душмани сифатида кўради”. (Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснад»).

Мамлакатимиз тарихан кўп миллатли ўлка бўлганлиги туфайли бу заминда турли-туман дин вакиллариининг эмин-эркин яшашлари учун барча шароитлар яратилган. Ўзбекистон ислом маданиятининг нафақат минтақадаги, балки бутун дунёдаги асосий марказларидан бири бўлиб келган. Хорижий таҳлилчилар ҳам Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги ўрни, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдаги мавқеи мустаҳкамлигини ҳақли равишда эътироф этмоқдалар [2:9].

Юртимиздаги бошқа ташкилотлар қатори диний жамоалар ҳам жамият тараққиётида тобора фаол иштирок этиб, халқимизнинг маънавияти ва қадриятини тиклаш, ўзлигимизни англаш, энг асосийси, мустақиллигимизнинг мустаҳкам ва боқий бўлишига ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бу жараёни бардавом бўлиши учун ўзга дин ва миллат вакилларига нисбатан дўстона муносабатда бўлиш ва ушбу йўналишда қабул қилинаётган қонунларга амал қилиш лозим.

Манба ва адабиётлар рўйхати

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. –Т.: “Тошкент ислом университети”, 2018. – Б. 30.

2. О.Юсупов. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб). - Тошкент: Тошкент ислом университети, 2017. – Б. 9.

3. <https://lex.uz/docs/7404923>